



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Олтиариқ тумани Бўстон МФЙ ҳудудида яшовчи 1950 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидагиларни бажарилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув бўйича

Олтиариқ тумани Бўстон МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 234 м³ хисобланиб, уланиш нуқтаси.1 Бўстон МФЙ Бўстон кўчаси ҳудудига 1 дона янги тик ичимлик сув қудуғи қазил, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха қувватидан келиб чикиб 1 дона ичимлик сув минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMNOT логотипи тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш ҳамда қувур материали-полиэтилен бўлган диаметри Ø 76 мм.дан – 159 мм.гача лойиха асосида ичимлик сув тармоғи тортиш тавсия этилади.

Уланиш нуқтаси.2 Бўстон МФЙ Ободлик кўчаси ҳудудидаги мавжуд 1 дона тик ичимлик сув қудуғини қайта таъмирлаш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха қувватидан келиб чикиб 1 дона ичимлик сув минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMNOT логотипи тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш ҳамда қувур материали-полиэтилен бўлган диаметри Ø 76 мм.дан – 159 мм.гача лойиха асосида ичимлик сув тармоғи тортиш тавсия этилади.

Уланиш нуқтаси.3 Бўстон МФЙ Зийракмомо кўчаси ҳудудидаги мавжуд 1 дона тик ичимлик сув қудуғини қайта таъмирлаш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха қувватидан келиб чикиб 1 дона ичимлик сув минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMNOT логотипи тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш ҳамда қувур материали-полиэтилен бўлган диаметри Ø 76 мм.дан – 159 мм.гача лойиха асосида ичимлик сув тармоғи тортиш тавсия этилади.

Ушбу ишларни замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ва ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фаргона

суб таъминоти" МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ
Олтиариқ туман бўлими Бош муҳандиси.



Ғ.Сатторов

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ
Олтиариқ туман бўлими ИЧБ муҳандиси.

М.Махаммадҷонов